

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

САТТИЕВ АБДУЛАЗИЗ РАСУЛЖОНОВИЧ

**ПАЛЛАДИЙ, ОЛТИНГУГУРТ ВА РУҲ БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН
КРЕМНИЙДАГИ КИРИТМА-НУҚСОН ҲОЛАТЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА РАДИАЦИОН СТИМУЛЛАШГАН ЖАРАЁНЛАР**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Саттиев Абдулазиз Расулжонович

Палладий, олтингугурт ва рух билан легирланган кремнийдаги
киритма-нуқсон ҳолатларининг шаклланишида радиацион
стимуллашган жараёнлар..... 3

Саттиев Абдулазиз Расулжонович

Радиационно-стимулированные процессы в формировании примесно-
дефектных состояний в кремнии, легированном палладием, серой и
цинком..... 22

Sattiev Abdulaziz Rasuljonovich

Radiation-stimulated processes in formation of impurity-defect states in
silicon, doped by palladium, sulfur and zinc..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

САТТИЕВ АБДУЛАЗИЗ РАСУЛЖОНОВИЧ

**ПАЛЛАДИЙ, ОЛТИНГУГУРТ ВА РУҲ БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН
КРЕМНИЙДАГИ КИРИТМА-НУҚСОН ҲОЛАТЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА РАДИАЦИОН СТИМУЛЛАШГАН ЖАРАЁНЛАР**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/FM295 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Андижон Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зайнабидинов Сиражиддин физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Ашуров Мухсинджан Хурамович физика-математика фанлари доктори, профессор, академик Арипов Хайрулла Кабулович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

Э.М.Турсунов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д.,
катта илмий ходим

И. Нуриддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда қаттиқ жисм электроникаси соҳасида ярим ўтказгичларнинг электрофизик параметрларини, таъқиқланган соҳаларда чуқур энергетик сатҳлар ҳосил бўлишига олиб келувчи легирлаш жараёнлари ёрдамида бошқариш, материаллар хусусиятларини шакллантиришнинг энг истиқболли усулларидан биридир. Ҳозирги вақтда керакли киритмани унинг типига (донор, акцептор ёки амфотер) боғлиқ равишда танлаб олиш, легирланган кристалл параметлари ва характеристикаларини ҳамда материалнинг фотосезгирлиги, термосезгирлиги, тензосезгирлиги ва радиация таъсирига барқарорлиги каби муҳим хоссаларини ўзгартириш орқали бошқариш имконини беради. Тажрибада легирланган ярим ўтказгич кристалларни олишда, асосан тез диффузияланувчи, кристаллнинг таъқиқланган соҳасида электрон сатҳлар ҳосил қилувчи киритмалардан фойдаланилади. Кремнийнинг кристалл панжарасида чуқур сатҳли нуқсон марказларини ҳосил қилувчи бундай киритмалар кичик концентрацияли электрофаол ҳолатларга эга бўлиб, бошқариб бўлмайдиган ва технологик киритмалар билан комплекслар ҳосил қилишга мойил эмаслиги кузатилади.

Сўнгги йилларда жаҳон амалиётида ярим ўтказгич кристалларда киритма нуқсон ҳолатини бошқариш учун бошқа технологик усуллар билан бирга турли физик таъсирлар ўтказиш усуллари қўлланмоқда. Булардан бири кириб боровчи радиациядир. Легирланган ярим ўтказгичларда нуқсонли ҳолатларни ўзгартириш ташқи таъсирларда мураккаб физик-кимёвий жараён бўлиб, трансформацияга, парчаланишга ёки янги биржинсли бўлмаган тузилмаларнинг шаклланишига, дастлабки материалнинг таркибий мукаммаллигига, материалнинг киритма билан легирлаш даражасига ҳамда дастлабки кристаллда технологик ва газ ҳосил қилувчи кимёвий элементларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлиб, кристалл ҳажмида нуқсонларнинг бир жинсли тақсимланиши билан белгиланади. Жаҳондаги бир қанча лабораторияларда олиб борилган тажрибавий ва назарий изланишлар шуни кўрсатадики, кремний модификацияси соҳасида легирланган материалнинг кристалл таркибида ҳосил бўлган нуқсон ҳолатлари киритма комплексларининг радиациявий парчаланиш жараёнлари эътибордан четда қолган. Ташқи таъсирлар бўлганда хусусий ҳамда бошқариб бўлмайдиган киритмали нуқтавий нуқсонларни ва кристаллнинг бошқа биржинсли бўлмаган компонентлари билан кремний-киритма қаттиқ эритмасининг ўзаро таъсир механизми ўрганилмаган. Буларнинг барчаси янгича назарий ва амалий ёндашувни талаб этади. Ташқи таъсирлар ёрдамида структуравий нуқсон комплексларини ҳосил қилиш ва ўзгартириш механизмларини, легирланган ярим ўтказгич материалларининг хоссаларини мақсадли бошқариш учун аниқлаштириш – радиациявий технологияларнинг долзарб соҳаларидан бири бўлиб, “нуқсонлар инженерияси” деб аталади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...ички ва ташқи бозорларда маҳаллий

маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини принципиал жихатдан янгича тур маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқишни ўзлаштириш орқали”¹ таъминлаш вазифаси қўйилган. Шу нуқтаи назардан легирланган ярим ўтказгич материаллар хоссаларини мақсадли бошқариш учун ташқи омиллар ва нуқсон комплекслари қайта пайдо бўлишининг янги механизмларини топиш ва улар асосида ярим ўтказгич асбоб-ускуналар яратиш ҳамда уларнинг фойдаланиш вақти давомийлигини ошириш замонавий ярим ўтказгичлар физикаси ва техникасининг ўта муҳим масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Легирланган ярим ўтказгич материаллар устида олиб борилган изланишлар ва улар асосида яратилган асбоблар, шунингдек, нуқсон ҳолатининг шаклланишига олиб келувчи физик жараёнларни ўрганиш бўйича чоп этилган илмий мақолалар ва монографияларда, энциклопедик маълумотномаларда таниқли олимлар, масалан: америкалик (Милнс А., Корбетт Ж.М., Са С.Т., Уоткинс Дж.Д., Бекман Х.Х.), россиялик (Фистуль В.И., Лебедев А.А., Мильвидский М.Г.) ва ўзбекистонлик (Баходирхонов М.С., Абдурахмонов К.П., Мамадалимов А.Т., Зайнабидинов С.) ва бошқа олимлар томонидан кенг баён этилган.

Бу тадқиқотларда ярим ўтказгичлардаги киритма атомларининг турлари ва ҳолатлари, уларнинг диффузияси, термодинамикаси ва эриш кинетикаси, улар ҳосил қиладиган чуқур сатҳли марказлар, энергетик сатҳлар, заряд ҳолатлари ва комплекс тузилмалар характерлари ўрганилган. Монокристаллар ва ярим ўтказгич бирикмаларда баъзи легирловчи киритмаларнинг бошқариб бўлмайдиган кимёвий элементлар билан ўзаро таъсири ҳамда миграцияси тўғрисидаги назарий ва амалий натижалар таҳлил қилинган. Киритмаларнинг водородга ўхшаш, газ ҳосил қилувчи, амфотер ва изовалент ҳолатлари ва ўрганилганлик даражаси кўриб чиқилган.

Бироқ киритма атомларининг хусусий атомлар ва кристаллдаги радиациявий нуқсонлари, кристалл панжарасидаги дислокациялар ва бошқа давомий нуқсонлар, шунингдек, адсорбция жараёнлари мутахассислар ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

ишлаб чикувчилар назаридан четда қолаётган муҳим ҳодисалардир. Ташқи физик таъсирлар натижасида ҳосил қилинган структуравий нуқсонларнинг тузилиши, ўлчамлари, барқарорлиги ва қайта шаклланиши ҳақида маълумотлар йўқ, алоҳида нуқсонларнинг ўзига хос табиатига, шунингдек, легирланган кристалларда кластерларнинг ва кичик ўлчамли наноконпозицияларнинг шаклланиш механизмларига, айниқса, кислород, углерод ва водород қатнашган ҳолатларга эътибор берилмаган. Легирланган ярим ўтказгич кристаллининг характеристикаси ва параметрларини модификациялаш учун ҳамда уларда янги функционал хоссаларни пайдо қилиш мақсадида ушбу ишда янгича ёндашув таклиф этилган. Бунда монокристалл кремний асосида легирланган ярим ўтказгичлар хоссаларини бошқариш мақсадида радиациявий таъсир ва термик ишлов жараёнлари биргаликда амалга оширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф2-Ф066+Ф072 «Кичик ўлчамли наноконпозициялар ва нанозарраларни ўзи ичига олган ярим ўтказгич материалларнинг хоссалари ва тузилмаси» (2007–2011 йй.), Ф2-ФА-Ф121 «Бир жинсли бўлмаган микроҳолатларнинг шаклланиши ва уларнинг нейтронлар ёрдамида легирланган кремнийнинг гидрогенлаш пайтида фундаментал хоссаларига таъсири» (2012–2016 йй.) ҳамда ОТ-Ф2-20 «Легирланган кремнийда радиация таъсирида юз берадиган кичик ўлчамли структура ўзгаришлари ва уларнинг монокристалл хоссаларига таъсири» (2017–2021 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кремнийдаги киритма-нуқсон ҳолатларини ўзгартиришнинг радиациявий рағбатлантирилган жараёнларини легирловчи киритма турига боғлиқ равишда ўрганиш ва уларнинг хоссаларини термордиациявий такомиллаштириш усулларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чуқур энергетик сатҳ ҳосил қилувчи донор, акцептор ва амфотер характерга эга бўлган энг яхши, энг қулай киритмаларни аниқлаш ва кремнийни руҳ, олтингугурт ва палладий киритмалари билан бир жинсли легирлаш усулини ишлаб чиқиш;

Zn, S ва Pd билан легирланган кремнийда ҳосил қилинган нуқсон ҳолатларининг структура параметрлари ва энергетик сатҳларини топиш ҳамда уларнинг кристаллнинг электрофизик ва рекомбинацион хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

кремнийдаги радиация билан рағбатлантирилган жараёнларга узвий боғлиқ бўлган структуравий ўзгаришлар механизмини материалнинг легирланиш даражасига ва электрофаол таркибий нуқсон марказлари концентрациясига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

ичига кириб боровчи радиация таъсирида легирланган кремнийда кечадиган радиациявий ва киритма нуқсонларини, турли квазикимёвий реакцияларни тавсифлаш учун назарий ёндашувни ишлаб чиқиш;

легирланган кремнийга радиациявий таъсир ўтказилганда ундаги структуравий ўзгаришларнинг энг маъқул шароитларини аниқлаш ва легирланган материал хоссаларини радиациявий модификациялаш усулини топиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида рух, олтингугурт ва палладий киритмалари билан легирланган монокристалл ва нейтронлар билан трансмутацияланган кремний намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб рух, олтингугурт ва палладий киритмалари билан легирланган монокристалл кремнийдаги нуқсон ҳолатларининг шаклланишидаги терморadiaциявий-стимуллашган жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда чуқур сатҳларнинг ностационар сиғим спектроскопияси (DLTS), фото сиғим спектроскопияси, индуцирланган фото сиғим, стационар фото ўтказувчанлик, рентгенфлуоресцент ва рентгендифракция усуллари, инфрақизил микроскопия ва p-n структураларнинг тескари қаршилиқдаги тикланиш вақти усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта кремнийни олтингугурт ва родий киритмалари билан легирлашнинг дастлаб киритилган фосфор ва палладий изотопларини ядровий трансмутация қилишга асосланган икки босқичли усули таклиф қилиниб, амалга оширилган ва ядровий трансмутацияланган легирланган кремнийда олтингугурт, палладий ва родий марказлари ҳосил қилган чуқур энергетик сатҳлар идентификацияланган;

кремнийда палладий киритмаси [Pd-V] вакансия-киритма бирикмали ҳамда киритманинг водород билан кимёвий боғланиши бирикмаси [Pd-H] кўринишидаги кичик ўлчамли нуқсонларни шакллантириши билан бирга $E_c - 0,18$ эВ, $E_v + 0,34$ эВ ва $E_v + 0,32$ эВ энергетик сатҳларни ҳосил қилиши, рух билан легирланган p- типли кремнийдаги рух киритмаси эса радиация таъсирида қуёш элементлари фотоэлектрик характеристикалари барқарорлигининг ошишига ва уларнинг инфрақизил соҳада спектрал сезгирлиги ортишига олиб келиши аниқланган;

биринчи марта легирланган монокристалл кремнийда вужудга келадиган мис-кислород нанокристаллитлари уч хил ҳолатда: матрица панжарасининг тугунлари орасида алоҳида атомлар ҳолида, Cu_2O ва CuO нанокристаллитлари таркибида бўлиши аниқланган. Ушбу нанокристаллитлар дискрет чуқур сатҳларни ҳосил қилиши, уларнинг миқдори диффузия режими ва намуналарни диффузиядан кейинги совитиш тезлиги билан аниқланиши топилган;

монокристалларда нуқсон ҳолатлари ҳосил бўлиш кинетикасини тавсифловчи дифференциал тенгламалар системасининг квазистационар ечими, уларнинг ҳажмида турли киритмалар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда олинган ва ярим ўтказгичларда вакансиянинг киритма атомлари билан радиация таъсирида рекомбинацияси туфайли шаклланадиган структуравий нуқсонлар ҳолатларининг модели таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

монокристалл кремний асосида берилган концентрациядаги Pd, Zn ва S киритмалар мавжуд бўлган қаттиқ эритма намуналарини олиш усули ишлаб чиқилган, кўрсатилган киритмалар билан кремнийни бир жинсли легирлашнинг оптимал шароитлари аниқланган;

кремний пластиналари юзасини барқарорлаштириш ва емирилишига йўл қўймаслик имконини берувчи S ва Pd билан легирланган кремнийни ядровий трансмутация йўли билан олиш усули, шунингдек, кристалл ҳажмида термо ва таркибий нуқсон ҳолатларини шакллантириш усули таклиф қилинган;

Zn билан легирланган кремнийдан қуёш элементларини тайёрлашда фойдаланиш, уларнинг барқарорлигини ҳамда фотоэлектрик характеристикаларини радиациявий таъсирга ва инфрақизил соҳада спектрал сезгирлигини ортишига олиб келиши аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кенг ҳажмдаги маълумотлар комплекси, мустақил тажрибавий усуллар ва нуқсон ҳолатлари параметрларини назарий ҳисоблашлар ўтказиш ҳамда олинган натижаларни адабиётлардаги натижалар ҳамда умумфизикавий тушунчалар ва қонуниятларга зид бўлмаган натижаларга мослиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти радиациявий-стимуллашган жараёнларни ўрганиш ва квазикимёвий реакцияларнинг кечиш жараёнларини аниқлаш ҳамда легирланган кремнийга ташқи физик таъсирлар бериш натижасида шаклланган нуқсон комплексларининг трансформацияси ва ҳосил бўлиш механизмлари топилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти радиациявий ишлов бериш йўли билан легирланган ярим ўтказгич материалнинг хоссаларини ўзгартириш ёки янги хусусиятлар ҳосил қилишнинг физик асосларини ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Палладий, олтингугурт ва рух билан легирланган монокристаллик кремнийни ва ундаги киритма-нуқсон марказларининг радиация таъсиридаги трансформацияланиш жараёнларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

кремнийда рух миқдорининг ортиши билан қуёш элементларининг фотоэлектрик характеристикалари барқарорлиги ортиб боришининг аниқланган қонунияти «FOTON» АЖда n-тип ўтказувчанликка эга кремний асосида диффузион диодлар ишлаб чиқаришга татбиқ қилинган, кремнийли p^+ -n- p^+ структураларда «Электроника У-003» чизикли электрон тезлатгични қўллаб рекомбинация марказларини ҳосил қилишга доир радиация билан бошқариш технологияси ва топилган диффузион диодлардаги ҳосил қилинган p^+ қатлам қалинлигига киритилаётган радиацион нуқсонлар концентрациясининг боғлиқлиги эффекти «FOTON» АЖ корхонасида импульс диодлар тезкорлигини ошириш учун қўлланилган («UZELTEXSANOAT» Ассоциациясининг 2019 йил 13 июндаги 04-4/694-сонли хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кремнийли p^+ -n- p^+

структураларда радиацион ишлов бериш йўли билан рекомбинация марказларини шакллантиришнинг бошқариладиган технологиясини яратиш имконини берган;

яримўтказгич монокристалларда радиация таъсирида нуқсонли ҳолатлар ҳосил бўлиш кинетикасини кристаллар ҳажмида вакансиялар ва уларнинг киритма атомлар билан рекомбинацияси иштирокидаги терморadiацион стимулланган турли нуқсонлар ҳосил бўлиш механизмини тавсифловчи дифференциал тенгламалар системасининг квазистационар ечими олинган. Ушбу ечим орқали атом реакторида нурлантириш йўли билан *i*- типли компенсирланган кремний олишнинг технологик режимларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Олинган кристалл асосида АЗ-ФА-Ф003 “Компенсирланган кремнийдан тайёрланган датчик асосида омборларда температура ва намликни масофадан назорат қилиш қурилмасини ишлаб чиқиш” (2015–2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида кремнийли термодатчик тайёрланган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 14 июндаги 2/1255-1712-сонли хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши температура ва намликни назорат қилиш учун кремний датчиклари лаборатория намуналарини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп қилинган, шулардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 126 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Палладий, олтингугурт ва рух киритмалари билан легирланган кремнийнинг параметрлари ва хоссалари”** деб номланган биринчи бобида палладий, олтингугурт ва рух киритмалари билан легирланган кремнийнинг хоссалари ва хусусиятлари тўғрисида адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлили ва хулоса қилинган қисқача шарҳ

келтирилган. Шу билан бирга, фойдаланилган монокристалл кремний дастлабки намуналарининг маълумот кўрсаткичлари, технологик режимлари ва Pd, S ва Zn киритмалари билан биржинсли легирлаш усуллари, радиациявий ишлов бериш ва легирланган намуналарнинг тадқиқ қилиш усуллари учун ядрофизикавий қурилмаларнинг параметлари ва характеристикалари, электрик, спектрометрик ва фотоҳажмли хоссаларни тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Киритмалар ҳосил қилган чуқур сатҳлар ионланиш энергиялари, уларнинг электрофаол концентрациялари, ток ташувчиларнинг тутилиш кесими ва заряд ташувчилар концентрациясининг кремнийни Pd, S ва Zn билан легирлаш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаришлари ўрганилган. Олиб борилган тажрибалар ва изланишлар асосида олтингугурт кремнийда донор, рух – акцептор, палладий эса амфотер хоссаларини намоён қилиши тасдиқланган. Адабиётларда келтирилган маълумотларни ҳамда Pd, S ва Zn билан легирланган кремний хоссаларини таҳлил қилиш асосида диссертациянинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Радиация таъсирида олтингугурт, палладий ва рух билан легирланган кремнийни тадқиқ этиш”** деб номланиб, унда айтиб ўтилган киритмалар билан легирланган кремнийга радиациявий таъсир кўрсатилгандаги тадқиқотларнинг асосий натижалари келтирилган. Бунда S, Pd ва Zn билан легирланган кремнийдаги радиациявий стимуллашган тадқиқот ва легирланган монокристалл олиш учун нейтрон трансмутация усулини қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган. Кремнийни олтингугурт билан икки босқичли легирлаш технологияси таклифи киритилган. Бунда масала қуйидагилардан иборат: кремний сиртига қопланган ^{31}P изотопи термодиффузиядан сўнг нейтрон нурлари билан нурлантирилганда фосфор изотопи ядровий парчаланиш ҳисобига барқарор ^{32}S изотопига қуйида кўрсатилган реакция орқали ўтади:



^{32}S изотопи билан бойитилган трансмутацион легирланган қатламдан диффузиялар кенг доирада киритилаётган киритма концентрациясини бошқаришга ва бутун ҳажм бўйича етарлича биржинсли бўлган материал олишга имкон беради. Нейтрон трансмутация орқали олтингугурт киритмаси билан легирланган кремнийдан тайёрланган $p^+ - n - n^+$ -структурларнинг DLTS спектри ўрганилганда, кремнийнинг таъқиқланган соҳасида олтингугуртнинг ионизация энергиялари $E_c - 0,12$ (A); $E_c - 0,27$ (B); $E_c - 0,37$ (C); $E_c - 0,45$ (D) ва $E_c - 0,50$ (E) бўлган донор характердаги чуқур энергетик сатҳлари билан боғлиқ бўлган 5 та чўққи кузатилди (1-расм). Ушбу келтирилган натижалар кремнийга олтингугурт киритмасини термодиффузия усули орқали киритилган намуналардан тайёрланган $p^+ - n - n^+$ -структурларнинг DLTS спектри билан мос келади. Нейтрон трансмутация орқали олтингугурт киритмаси билан легирланган кремнийда ҳосил бўлган $E_c - 0,45$ эВ сатҳга тегишли D чўққи термо нуқсон билан боғлиқдир.




1-расм. Нейтрон трансмутация усули орқали олтингугурт билан легирланган кремнийнинг DLTS спектри

S ҳосил қилган сатҳлар концентрациясининг ошиб бориши, нейтронлар флюэнсининг ортиб бориши билан юз бериши ва олтингугурт ионланиш энергияси қийматининг термодиффузия усулида легирланган намуналардаги қиймати билан айнан мослиги Si<S> олишнинг нейтрон-трансмутация усулининг амалга оширилиши мумкинлигини тасдиқлайди. Si<S> олишнинг нейтрон-трансмутация усули қуйидаги устунликларга: нейтрон билан нурлантириш орқали олтингугурт концентрациясини бошқариш, кремний намуналари сиртида эрозиянинг йўқлиги ва легирланган кристаллнинг юқори даражадаги бир жинслиликка эга эканлигидир.


Термодиффузия усулида Pd билан легирланган Si да кечадиган физик жараёнларнинг қонуниятлари ўрганилди. Биринчи бор Si<Pd> намуналарини нейтрон-трансмутацияда реактор нейтронлари билан нурлантирилганда ^{102}Pd ва ^{104}Pd изотопларининг ^{103}Pd изотопига ядровий ўтишига олиб келади. Кристал ҳажмида кейинги босқич электрон қамраб олиш барқарор ^{103}Rh изотопи ҳосил бўлишига ва рекомбинацион марказлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. $10^{18} \div 5 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$ флюэнслар оралиғида нейтронлар билан нурлантирилгандан сўнг Si<Pd> намуналар тобланганда, палладийнинг $E_c - 0,22 \text{ эВ}$ сатҳи ҳосил бўлиши билан бир қаторда, Rh га тегишли $E_c - 0,32$ ва $E_c - 0,53 \text{ эВ}$ сатҳлар шаклланади. Бу эса нейтрон-трансмутация билан узвий боғлиқдир.

Si<Pd> намуналарининг микроструктураларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, кремний ҳажмидаги палладий термик диффузияда преципитатлар ва клестерлар кўринишидаги кичик ўлчамли тўпланишлар ҳосил қилади. Улар нейтронлар билан нурлантириш жараёнида стерженсифат нуқсонларга айланади (2-расм).


Легирланган кремний хоссаларига энг фаол таъсир этувчи йўлдош элемент, яъни водород атомларининг таъсири ўрганилди. Si<Pd> мисолида, водород Pd киритмаси билан квазикимёвий реакцияга осон кириши билан бир қаторда кремний панжарасидаги хусусий нуқсонлар билан реакцияга киришиши кўрсатилди.



2-расм. Pd билан легирланган кремний намуналари микрофотографияси: нурлантиришгача (а) ва нурлантиришдан сўнг (b)



3-расм. p-Si <Zn> (1,2) да рух ва p-Si да радиациявий нуқсонлар (3-5) сатҳлари концентрацияларининг γ -квантлар флюэнсига боғлиқ ўзгариши



4- расм. p-типли кремнийдаги асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтининг ^{60}Co γ - квантлар флюэнсига боғлиқ ўзгариши. 1-p-Si<Zn> ($N_{\text{Zn}} = 2,0 \cdot 10^{14} \text{ cm}^{-3}$); 2-p-Si


DLTS спектрида Si<Pd> намуналарига водород билан ишлов берилгунча ва ишлов берилгандан сўнг таҳлил қилиш жараёнидан кўринадики, аниқланган $E_c - 0,32$ эВ донор сатҳи [Pd-H] жуфтлигидаги киритманинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бунда у кремнийнинг кристалл панжарасида кучсиз боғланган ҳолатда бўлади ва иссиқлик таъсирида осонгина парчаланиб кетади.

Рух билан легирланган кремнийнинг микроструктурасини ўрганиш устида изланишлар олиб борилди ва кўрсатилган киритманинг радиациявий нуқсонлар киритиш самарадорлигига ҳамда қуёш элементларидаги характеристикалари деградациясига таъсири ўрганилди.

DLTS спектрида p-Si<Zn> намуналарини ^{60}Co γ - квантлари билан нурлантиришгача ва ундан сўнг ўлчанганда, акцептор характердаги рух

киритмасининг $E_v+0,31$ ва $E_c-0,55$ эВ энергетик сатҳлари билан бирга барчага маълум бўлган $E_v+0,23$ эВ сатҳли (дивакансия) ва $E_v+0,31$ эВ сатҳли К-марказ ($V-O-C$) ҳамда $E_v+(0,38\div 0,45)$ эВ сатҳли вакансия бор комплексига тегишли радиациявий нуқсон марказлари аниқланди. $p-Si<Zn>$ даги рух ҳосил қилган сатҳларнинг концентрациялари гамма нурлари таъсирида ўзгармагани, шу пайтнинг ўзида легирланмаган $p-Si$ даги барча радиацион нуқсонларнинг концентрациялари нурлантириш флюэнси ортиши билан 1 поғонага ошиши аниқланди (3-расм).

$p-Si <Zn>$ намуналарининг таъқиқланган соҳасига рекомбинацион компенсацияловчи радиациявий марказларни киритишнинг эффективлиги сезиларли камайишини асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақти τ_n ни ўлчаш натижалари ҳам тасдиқлайди (4-расм).



5-расм. $p-Si<Zn>$ (1,2) ва $p-Si$ (3) дан тайёрланган қуёш элементларининг I_{KT} (a) ва U_{KT} (b) қийматларининг ^{60}Co γ -квантлари флюэнсига боғлиқ ўзгариши. 1- $N_{Zn}=2,0\cdot 10^{14}cm^{-3}$; 2- $N_{Zn}=1,4\cdot 10^{14}cm^{-3}$

Рух киритмасидан фойдаланиб, радиация таъсирида кремнийли буюмларнинг параметрларини ва характеристикаларини барқарорлаштириш мақсадида $p-Si<Zn>$ дан кремнийли қуёш элементлари тайёрлаш технологияси бўйича p^+-p-p^+ - структуралар олинди. Қуёш элементларининг электрофизик ва фотоэлектрик характеристикаларининг радиацияга чидамлилиги кремнийдаги рухнинг концентрацияси билан аниқланиши топилди. $p-Si<Zn>$ даги рух миқдорининг ортиши токнинг қисқа туташув қийматининг I_{KT} ва кучланишнинг бўш ҳаракати U_{KT} (5-расм) деградация даражасининг камайишига ва инфрақизил соҳаларда қуёш элементларининг спектрал сезувчанлигининг ортишига ҳамда барқарорлашишига олиб келади.

Диссертациянинг «Палладий ва мис билан легирланган кремнийдаги нанокристаллитлар ва нуқсон комплекслар типи ва уларнинг радиациявий парчаланиши» деб номланган учинчи бобида кремний монокристаллининг таъқиқланган соҳасидаги миснинг мавжуд киритмалар

билан ҳосил қиладиган наноструктуралар ва уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги рентген дифрактометрияси тадқиқот натижалари орқали ўрганилган ҳамда киритма-нуқсон комплексларининг палладий билан легирланган кремнийдаги радиациявий-термик таъсирда кечадиган жараёнлари баён қилинган.

Кремний монокристаллидаги шаклланган киритма энергетик сатҳлари тузилиши ҳолатларини аниқлаштириш учун рентген дифракцияси усулида мис фрагментларининг таркибий ва фазавий ҳолатлари ўрганилган.


Миснинг намунавий легирловчи киритма сифатида танланиши, унинг бошқа тез диффузияланувчи киритмаларга нисбатан катта эрувчанлиги ва кремнийдаги нуқсон ҳолатлари ҳамда бошқариб бўлмайдиган киритмалар билан комплекслар пайдо қилишга мойиллиги билан тушунтирилган.

Тадқиқотлар легирланган ва легирланмаган ўстирилган ҳамда нейтрон-трансмутациявий, n - тип ўтказувчанликка эга бўлган Si монокристаллида ўтказилди. Дастлабки кремний монокристаллининг рентгенограммасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, дифракцион тасвирда таъқиқланган $(222)_{Si}$ аксланиш, локал микро ўзгаришлар пайдо бўлишига боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки улар кремний панжарасидаги кислороднинг нотекис тақсимлангани ва монокристалл панжарасининг нуқсонга мойил соҳаларида (НМС), яъни дислокацияларда, чегараларда ва уланиш жойларида жойлашганлигидадир.

Мис билан легирланган ўстирилган n - Si<Cu> ва нейтрон-трансмутацияланган n -Si<Cu> (6-расм) рентгенограммаларини солиштириш ва ўрганиш легирланган намуналарда SiO_2 - кристалл кварцнинг (110) киритма фазасини легирланмаган намуналарда шу рефлекс фаоллигига нисбатан 6 мартадан кўпроқ камайганлигини кўрсатди (6- с расм).

Бундан ташқари мис билан легирланган намуналарнинг рентгенограммаларида легирланмаган кремний монокристаллига хос бўлган кичик сочилиш бурчакларида ($2\theta \approx 21,6^\circ$) диффузиявий аксланиш кузатилмайди (6-*a* ва *b* расм). Бунга сабаб кристаллнинг юза қатламидан кислороднинг ташқарига чиқиб кетиши бўлиши мумкин, бунда юқори температурали диффузия жараёнида $SiO_2 + Si = 2SiO$ кимёвий реакцияси натижасида газсимон кўринишдаги кремний монооксиди SiO ҳосил бўлади.


Si<Cu> бўйича олинган натижаларни ҳамда адабиётлардаги маълумотларни солиштириш ва таҳлил қилишдан маълум бўлдики, кремний монокристаллида мис уч хил кўринишда: кремний панжарасида тугунлараро атомлар кўринишида ҳамда Cu_2O ва CuO типигаги икки хил мис-кислородли нанокристаллитлар таркибида мавжуд бўлади. Бу нанокристаллитлар чуқур дискрет сатҳлар ҳосил қилиши топилди. Cu_2O типигаги нанокристаллитлар $17,5 \pm 1,5$ нм ўлчамдаги кубик симметрияга, CuO эса $14,5 \pm 1,5$ нм ўртача ўлчамдаги моноклин симметрияга эга эканлиги аниқланган.



6-расм. Ўстирилган $n\text{-Si}\langle\text{Cu}\rangle$ (а), мис билан легирланган ва нейтрон-трансмутацияланган $n\text{-Si}\langle\text{Cu}\rangle$ (б) ҳамда легирланмаган $n\text{-Si}$ (с) монокристалл кремнийнинг рентгенограммаси

Палладий билан легирланган кремнийга радиациявий-термик таъсир қилинганда киритмавий нуқсон комплексларининг ўзгариши ва шаклланиши жараёнларида легирланмаган намуналарда овал ва думалоқ шаклли, қатламли тақсимланган микронуқсонлар кузатилади, нуқсонлар ядроси

ўлчамлари ~ 10 мкм дан ошмайди (7-*a* расм). Палладий билан 1200 °C да легирланган намуналарда, кўрсатилган микронуксонлар ўлчамлари катталашади (15÷20 мкм) ва палладий атомларининг микронуксонларда тўпланиши киритма преципитатлари ҳосил бўлиши билан биргаликда кузатилади (7-*b* расм). Ушбу преципитатларнинг морфологияси, ўлчами ва зичлиги диффузия давомийлиги ва температурасига боғлиқ эканлиги аниқланди.




7- Расм. Кремний намуналарининг микрофотографияси: *a* – легирланмаган намуна; *b* - 1200°C температурада палладий билан легирланган намуна; *c, d* - 1250°C температурада палладий билан легирланган намуна

Палладий диффузияси температурасининг ва тоблаш давомийлигининг ошиши билан ушбу преципитатлари игнасимон кўринишдаги нуксонлар тўпламларига трансформацияланади. Уларнинг узунлиги 20÷25 мкм бўлиб, ҳажмли ва кўпқиррали устунчалар кўринишида бўлади (7-*c, d* расм).


Легирланган кремний намуналарига 100÷600 °C температуралар оралиғида қўшимча термик ишлов берилганда, таркибий нуксонларнинг сезиларли ўзгариши кузатилади (8-расм). Термик ишлов температураси ортгани сари нуксонларнинг тўпланишлар зичлиги ва ўлчамлари 1 мкм гача сезиларли камайиши аниқланди. Бу эса палладий атомларининг кристалл ҳажмида электрофаоллик намоён қилмайдиган гомоатом тўпланишлари кўринишида концентрацияланиши билан тушунтирилади.

$\text{Si} \langle \text{Pd} \rangle$ га $10^{14} \div 10^{15}$ флюэнслар оралиғида нейтронлар билан радиациявий таъсир қилиш таркибий нуксонларнинг тури ва тарқалиши характери сезиларлича ўзгаришига олиб келади (9- расм).

Шунинг билан бир қаторда, нейтронлар флюэнсининг ортиши билан тўпланишларнинг зичлиги ва ўлчамлари камаяди, бу эса юзадаги палладий киритмаси атомларининг нурланиш жараёнида йўқолиши ва кристалл ҳажмидаги тўпланишларга ўтиши ҳамда янги нуксон ҳолатидаги етарлича бир жинсли бўлган Si-Pd қаттиқ эритма ҳосил бўлиши билан тушунтирилади. Улар қўшимча чуқур сатҳ яратади. Натижада ушбу преципитатларнинг қайта тақсимланиши кремний юзасидаги каби унинг ҳажми бўйича ҳам содир бўлади.



8-Расм. *a*- термоишловгача, 30 минут давомида 350⁰С (*b*) ва 530⁰С (*c*) температуралардаги термоишловдан сўнг палладий билан легирланган кремнийдаги структуравий нуқсонлар



9-Расм. *a*- нурланишгача ҳамда $2 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ (*b*) ва $8 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ (*c*) нейтрон флюэнсларида нурлантирилган палладий билан легирланган кремнийдаги структуравий нуқсонлар

Диссертациянинг тўртинчи боби «Радиациявий таъсирда легирланган кремнийдаги нуқсон ҳолатларининг рекомбинация жараёнлари» деб номланади. Ушбу бобда монокристаллардаги нуқсон ҳолатларини юзага келтириш кинетикасини уларнинг ҳажмида турли киритмалар мавжудлигини ҳисобга олиб тавсифловчи дифференциал тенгламалар системасини ечиш усули кўриб чиқилган. Квазистационар ечим олиш учун кичик параметр усули ривожлантирилган ва уни қўллаш соҳалари ўрганилган. Кристалларда термостимулланган нуқсонлар, вакансиялар ва уларнинг киритма атомлари билан рекомбинацияси жараёнларини ва механизмини белгиловчи турли феноменологик характеристикалар белгилаб олинган.

Кинетик тенгламалар системаси ушбу кўринишда тақдим этилган:

$$\begin{cases} \frac{dN_V}{dt} = -k_1 N_V N_I - k_2 N_V N_Y - \frac{N_V}{\tau_V} \\ \frac{dN_I}{dt} = -k_1 N_I N_V - k_3 N_Y N_I - k N_I N_0 - \frac{N_I}{\tau_V} \\ \frac{dN_Y}{dt} = -k_2 N_Y N_V - k_3 N_Y N_I - k_4 N_Y N_0 - \frac{N_Y}{\tau_Y} \end{cases} \quad (2),$$

бу ерда t – диффузиядан сўнгги совиш ва квазикимёвий реакциялар кечиши вақти; k_1, k_2, k_3, k_4 – тутилиш эҳтимоллиги (хусусан, $k_1 = 1/N_{V(\text{ёки } I)}\tau$, $\text{см}^{-3}\text{с}^{-1}$); N_V, N_I, N_Y – мос равишда вакансиялар, хусусий тугунлараро ва киритма атомлари концентрациялари; N_0 – кислород атомлари концентрацияси; $1/\tau_V, N_V, N_I$ ва N_Y ни стокка кетиш эҳтимоллиги ва $[V-Y]$ комплексининг парчаланиши;

Ишончли модел комплекслар ҳосил бўлиш эҳтимолининг нурлантирилаётган материал параметрларига ва ташқи таъсир факторларининг шартларига боғлиқлигини назарда тутди. Шунингдек, вакансияларнинг тугунлараро атомлар билан тескари рекомбинация ҳодисаларини ҳисобга оладиган $V + I \rightarrow X$ ва $\gamma + X \rightleftharpoons V + I$ реакциясида кинетик энергиянинг йўқотилишини ва уларнинг нурлантирилган намунадаги миграцияларини назарда тутган модель ривожлантирилди. Бу ерда X – асосий материал атомлари. Вакансиялар пайдо бўлиши жараёни V , уларнинг киритма атомлари билан рекомбинацияси Y ва γ – радиация таъсирида A комплексларнинг ҳосил бўлиши қуйидаги реакциялар билан тушунтирилади:



Ядровий трансмутация билан биргаликда кечадиган радиациявий нурлантиришнинг катта флюэнсларида (3) ифода билан тавсифланаётган жараёнларни намунанинг асосий элементлари концентрацияларининг ўзгаришларини ҳисобга олиб модификациялаш керак. Вакансиялар ва киритма атомлари концентрацияларининг ўзгаришлари динамикасини ҳисобга олувчи модель таклиф этилди ва уни тажрибада текшириш имкони кўриб чиқилди.

ХУЛОСА

«Палладий, олтингугурт ва руҳ билан легирланган кремнийдаги киритма-нуқсон ҳолатларининг шаклланишида радиацион стимуллашган жараёнлар» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва олинган натижалар асосида қуйидагича хулосалар қилинди:

